

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХОРИЖДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН ВАТАНДОШЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар (кейинги ўринларда ватандошлар деб юритилади) билан доимий мулоқот ва ҳамкорликни ривожлантириш, уларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлардаги иштирокини рағбатлантириш, шунингдек, ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли ва ҳар томонлама ҳимоя қилишга кўмак бериш борасида муҳим ишлар амалга оширилди.

Айни пайтда кўплаб ватандошларимиз иқтисодий, ижтимоий, соҳа, илм-фан, маданият, спорт ва бошқа йўналишларни ривожлантиришга, ўзларининг тарихий Ватани – Ўзбекистоннинг обрўсини ошириш ҳамда унинг ташқи дунё билан муносабатларини мустаҳкамлашда муносиб ва сезиларли ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Шу билан бирга, ватандошлар билан алоқаларни ривожлантиришнинг аҳамияти ва долзарблиги ошаётган бир пайтда, улар билан самарали ҳамкорликни олиб бориш ва ислохотларни сифат жиҳатдан яхшилашда уларнинг салоҳиятини жалб қилиш борасида кўйидаги қатор муаммолар сақланиб қолмоқда:

давлат органлари ва ташкилотларнинг ватандошлар билан алоқаларни ўрнатилиши самарадорлиги паст даражада ва қисман эканлиги;

иқтисодий, ижтимоий, инвестициявий, илмий-маърифий, маданий ва бошқа устувор лойиҳалар ҳамда дастурларни амалга оширишда ватандошларнинг салоҳиятидан оқилона фойдаланилмаслиги;

ватандошларнинг ўзбек тили, маданияти ва аъёналарини оммалаштириш

билан шугулланадиган ташкилотларини кўллаб-қувватлаш борасида комплекс ва узоқ муддатли стратегиянинг мавжуд эмаслиги;

хорижда таълим олаётган Ўзбекистон ёшлари билан ишлашга етарли даражада эътибор берилмаётганлиги, мамлакатга қайтганларидан кейин уларни иш билан таъминлаш тизимининг йўлга қўйилмаганлиги.

Ватандошлар билан ҳамкорлик қилишнинг узоқ муддатли ва мустаҳкам тизимини яратиш ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий мақсадлари сифатида кўйидагилар белгилансин:

халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари, истиқомат қиланган давлатнинг қонунчилиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида хориждаги ватандошларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга кўмаклашиш; ватандошларнинг Ўзбекистон маданий, илмий ва маънавий меросини кенг тарғиб қилишга, уни ҳаёт миқёсида ўрганиш ва оммалаштиришга, истиқомат қилаётган давлатларида ўзбек тили, маданияти ва аъёналарини сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасидаги фаолиятларини кўллаб-қувватлаш, уларнинг Ўзбекистонда таълим олиш имкониятларини кенгайтириш;

Давоми 2-бетда ➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КИМЁ СANOАТИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Минерал ўғитларни сотишнинг бозор механизмларини жорий этиш, кимё саноати корхоналарининг қарздорликларини реструктуризация қилиш юзасидан кўрилган чоралар уларни молиявий соғломлаштиришга ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини оширишга имкон берди.

Шу билан бирга, кимё тармоғини янада ривожлантириш ва диверсификация қилиш, кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг мавжуд қувватларини модернизация қилиш ва янгиларини қуриш учун инвестицияларни жалб қилиш ҳамда экспорт ҳажмининг кенгайтиришга тўқсинлик қилаётган тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда.

Хусусан, инвестициявий жозибдорликнинг пастлиги ва тармоқни ривожлантириш учун ўз маблағларининг етарли эмаслиги хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича илғор технологияларни жорий қилиш имконини бермапти, бунинг оқибатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотда минерал ўғитлар улушининг юқорилиги сақланиб қолмоқда.

Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида ҳаётан кимё саноати ривожланишининг тенденцияларини ва республиканинг муҳим хом ашё салоҳиятини ҳисобга олувчи фундаментал илмий база ва замонавий лойиҳа-инжиниринг ишланмалари мавжуд эмас.

Кимё тармоғини янада диверсификация қилиш, янги ишлаб чи-

қариш қувватларини яратиш ҳамда ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, етакчи хорижий институтларни жалб қилган ҳолда замонавий илмий ва лойиҳа базасини яратиш, шунингдек, "Ўзкимёсаноат" АЖ корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида:

1. Республика кимё тармоғини янада ривожлантириш ва диверсификация қилишнинг асосий йўналишлари этиб кўйидагилар белгилансин:

углеводород хом ашёсини ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш асосида иқтисодиёт тармоқларида ва ҳаётан бозоридида талаб катта бўлган, юқори қўшилган қийматли кимё маҳсулотлари номенклатурасини кенгайтириш; республиканинг минерал ўғитларга бўлган талабини қондириш ва экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва фаолият юритаётганларини модернизация қилиш;

кимё саноати корхоналарининг устив капиталлида давлат иштирокини қисқартириш, тармоққа тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, тармоқ корхоналари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш орқали замонавий маҳсулотларни қайта ишлаш-чуқурлаштириш;

Давоми 2-бетда ➡

Касб байрамингиз муборак!

Тинчлик, оқойишталик – бизнинг энг бебаҳо бойлигимиз. Зеро, мамлакатимизда жамоат ҳавфсизлиги, тинчлик ва барқарорликни таъминлашда ички ишлар идоралари ходимларининг хизматлари катта. Улар бор экан, тинчлигимиз барқарор, эртанги кундан кўнглимиз хотиржам. Ўзбекистонимиз бежиз дунёдаги энг тинч, яшаш учун қулай мамлакатлар қаторида тилга олинмапти. Сабаби, оромимизни, ҳаловатимизни кўриқлаётган ички ишлар ходимлари, тинчлигимиз посбонлари доимо оғоҳ, ҳамиша ҳушёр! Кун кеча касб байрамларини нишонлаган соҳа ходимларига айтар сўзимиз кўп...

ОРОМИНГНИ ОҒОҲЛАРИНГ ҚЎРИҚЛАЙДИ



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кун муносабати билан Нурафшон шаҳрида бўлиб ўтган байрам тадбирида зиммасидаги вазифаларни фидойилик билан бажараётган шарафли, айни пайтда ўта масъулиятли касб эгаларига алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Т. Арипов йиғилганларни қутлар экан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг байрам табригини ўқиб эшиттирди.

Сўнгги йилларда Президентимиз раҳбарлигида ички ишлар тизими фаолияти самарадорлигини ошириш, уни замонавий босқичга кўтаришга қаратилган амалий ишлар ўз самарасини бермоқда.

Вилоятимизда ҳам қайта ташкил этилган профилактика, тезкор қидирув, тергов, йўл ҳаракати ҳавфсизлиги, ёнғин ҳавфсизлиги, кўриқлаш, патруль-пост хизматлари, алоҳида вазифарларни бажарувчи сафарбарлик отрядлари фаолиятида ўз вазифасига жавобгарлик, бурчдорлик ҳисси устуворлик касб этди. Улар ҳаётан андозаларига мос алоқа, техника ва замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан таъминлангани қутлиган натижаларни бермоқда.

Айниқса, соҳа ходимларининг аҳоли ҳамда ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ҳамкорлиги, пайшанба – профилактика кунинда биргаликда кечадиган жараёнлар ўзаро самимий му-

лоқот ўрнатишга, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ёрдам бермоқда.

Ўз ўрнида, эл-юрт оқойишталигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган кўплаб ички ишлар идоралари ходимларининг фидоикорона хизмати давлатимиз томонидан муносиб рағбатлантирилмоқда. Кун кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига мувофиқ, Чирчиқ шаҳар ёнғин ҳавфсизлиги бўлими бошлиғи Улуғбек Тошматов "Содиқ хизматлари учун" медали билан тақдирланди. Шунингдек, қирқ нафар ходим Ички ишлар вазирлигининг "Аъло хизматлари учун", "Ички ишлар вазирлигининг фахрий ходими", "1-, 2-, 3-даражали буюқсон хизматлари учун" кўкрак нишонлари, фахрий ёрлик, эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Бу касбни ўзим танлаганман, – дейди Улуғбек Тошматов. – Ўз хизмат йўлида одамларга нафим тегаётганидан хурсандман. Меҳнатимизни қадрлаётган Ватаним, юртдошларим ишончи, эътибор ва рағбат кўнглимни тоғдек кўтарди. Бунга муносиб бўлиш шарафли бурчимдир.

Бизга берилган мукофот зимманимизга янада кўпроқ масъулият юклайди, – дейди ИИБ кадрлар бошқармаси бош инспектори Акмал Зайнутдинов. – "Аъло хизматлари учун" кўкрак нишони мени ҳамиша аъло хизмат қилишга ундаб туради.

Давоми 4-бетда ➡

Тажиба

Қибрай туманидаги бир гуруҳ фермерлар учун ташкил этилган амалий тренингда ички суғориш тармоғи ҳисобланган "Жумбағиш" ариғига қурилган ўзгармас ўзани гидропостнинг тақдироти бўлиб ўтди.

СУҒОРИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

Бу билан мазкур манбадан экин суғорадиган олти фермер хўжалиги учун сув сарфини ўлчаш имконияти яратилди. Аниқроғи, гидропост воситасида сув бошқарилади, далага керакли микдордагиси очилади. Пировард натижада, исрофгарчиликларнинг олди олинади. Бу эса иқтисодий самара, дегандир.

Мазкур фикрлар аниқ ҳисоб-китоблар ёрдамида қўрсатиб берилди. Иншоотни тадбир ташкилотчиси ҳисобланган Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан молиялаштирилган Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси бунёд этди. Лойиҳалаштириш жараёнида суғориладиган майдон ҳажми, керак бўладиган сув сарфи, ариқнинг лойқаланиш меъёrlари каби омиллар инобатга олинди.

Энг муҳими, мазкур иншоот сув истеъмолчилари ўртасидаги ўзаро тушунмовчиликларга барҳам беради. Энди эҳтиёжга яраша сув белгиланган жадвал асосида навбат-навбат олинади, – дейди лойиҳа координатори Биродар Бурхонжонов.

Давоми 3-бетда ➡

ЭЪТИБОР, ИМКОНИЯТ, ИСТИҚБОЛ



Чирчиқ шаҳрида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят бўлими томонидан "Ташаббус" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда танловнинг худудий босқичлари ғолиблари вилоятимиз шаҳар ва туманлари иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркор, фермер ва хунармандлар иштирок этишди.



Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимизда янги иш ўринларини, барқарор даромад манбаларини яратишнинг энг муҳим омилга айланмоқда. Иш

билан банд аҳолининг 76 фоизи айнан шу тармоқда меҳнат қилапти. Улар орасида вилоятимиз ишбилармон тадбиркорларининг алоҳида ўрни борлиги қувонарли. Ҳар



йили Президентимиз соврини учун аъёнавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ташаббус" кўрик-танловида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бўйича юқори натижаларга эришаётган янги номлар кашф этилмоқда. Мазкур танлов мамлакатимиз иқтисодиё-

тини тубдан таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш борасидаги истиқболга мўлжалланган саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Давоми 4-бетда ➡
Р. ГАЛИЕВ олган суратлар

ОДИЛ СУДЛОВ

фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясидир

Кун кеча вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати ҳамда вилоятнинг жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишлар бўйича судлари ҳамкорлигида брифинг ўтказилди.

Жиноят ишлари бўйича вилоят судида соҳа вакиллари ва журналистлар иштирок этган брифингда жорий йилнинг тўққиз ойи давомида одил судловни амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Президентимизнинг 2018 йил 13 июлдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг узвий давоми бўлди, – дейди вилоят

ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Ойбек Мусурмонкулов. – Шу боис, бугунги кунда жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, одил судловга эришишдаги ишлар сезиларли самара бераётганини, биринчи навбатда, аҳолини судларга бўлган ишончи тобора ортиб бораётганини мисолида кўришимиз мумкин.

Давоми 3-бетда ➡

Хирмонга бир ҳовуч ҳисса қўшдикми?

Донишмандлардан бири "Кимдир заҳмат чекиб, жон койитиб қавлаб олмаса, ер қаърида ётган олтиндан заррача наф йўқ", деган экан. Чиндан ҳам, она табиатнинг бетимсол инояти билан яралган ҳар қандай бойлик эл-юрт фаровонлиги йўлида чинакам сармоёга айланиши учун инсон меҳнати, ақл-заковати зарур.

МЕҲНАТ ҚИЛИБ ТОПГАНИМИЗ – ҚАНДУ НОВВОТ ТОТГАНИМИЗ

Бугун вилоятимизнинг уфққа туташ минглаб гектар пахтазорларида лўппилўппи очилиб турган "оқ олтин"ларни кўрганда ҳам одамнинг хаёлини шу каби фикрлар ёритиб ўтади. Чиндан ҳам, қимматбаҳо пахта хом ашёси тиллога тенг

бойлик, фақат чанокдагиси эмас, хирмондагиси. Хирмонни имкон қадар юксалтириш, демакки, ўз ҳаётимиз, оиламиз равнақиға ҳисса қўшиш, аввало, ўз қўлимизда.

– Пахта етиштириш учун давлатимиз томонидан ҳеч қачон бугунгидек эътибор, амалий кўмак ва рағбат бўлмаган, – дейди кекса пахтакор, Бўқа туманидаги "Салоҳиддин Фарангиз" фермер хўжалиги раҳбари Файзиддин хожи ота Иброҳимов. – Пахта харид нархларининг ўтган йиллардагига нисбатан қарийб икки баробар оширилгани зап иш бўлди. Шундай экан, манфаатдорлик бўлиши учун қилинган харажати қоплаб, фойда кўриш ҳақида ўйлашимиз, эртанги кунимизнинг бугунгидан яхши бўлиши учун ҳар биримиз белни маҳкам боғлаб, ҳаракат қилишимиз зарур. Зеро, давлатимиз раҳбарининг биз, фермерларга кўрсатётган бекиёс ғамхўрлиги, камтарона меҳнатимизга бўлган юксак эътибори қалбимизга олам-олам қувонч бағишлаши билан бирга, зиммаларимизга улкан масъулият ҳам юклаганини унутмаслигимиз лозим.

Дарҳақиқат, ана шу масъулият ҳиссини теран англаган хўжалик жамоасининг бугун юзи ёруғ. Жами 23,1 гектар майдонда пахтанинг 5-6-24 навидан мўл ҳосил етиштирган пахтакорлар октябрнинг бошидаёқ нафақат туманда, балки вилоятда ҳам биринчилардан

Бошланғичи 1-бетада

– Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида вилоят, туман ва шаҳар судлари томонидан 4 минг 863 нафар шахсга нисбатан 3 минг 787 та жиноят иши кўрилиб, шулардан 3 минг 966 нафар шахсга нисбатан 2 минг 959 та жиноят иши бўйича ҳукм чиқарилган, – дейди Жиноят ишлари бўйича вилоят суди раиси Дилшод Тожиев. – Шунингдек, 876 нафар шахсга нисбатан 807 та жиноят иши тугатилган. Шундан 798 нафар шахсга нисбатан 750 та жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилган. 59 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган.

ОДИЛ СУДЛОВ

фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясидир



Жиноят ишларини судда кўришда маҳалла, Ёшлар иттифоқи ва Хотин-қизлар кўмитаси вакилларининг жамоат ҳимоячиси сифатида иштироки таъминланиб, улар томонидан билдирилган кафилият хатлари асосида 222 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган турдаги жазолар тайинланди.

Брифингда таъкидланганидек, жиноят оқибатида етказилган 27 миллиард сўмга яқин моддий зарарни қоплаган 231 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди. 375 нафар шахс суд залида қамокдан озод қилинди.

Одил судловни амалга ошириш борасидаги муайян ишлар натижасида, вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятлар 32,5 фоизга, аёллар томонидан содир этилган жиноятлар эса 36,3 фоизга камайган. Бироқ, аёллар томонидан содир этилган жиноятлар ўрта Чирчиқ туманида 6 тага, Юқори Чирчиқ туманида биттага ошган. Шунингдек, ишлари судда кўрилган вояга етмаган шахслар жинояти Қўрай туманида 3 тага, Ўрта Чирчиқ туманида биттага ортган.

– Ўтган тўққиз ой давомида Фуқаролик ишлари бўйича вилоят, шаҳар, туман судлари томонидан 18 минг 661 та иш кўриб чиқилди, – дейди Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раиси Олимжон Исмоилов.

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўтган йилнинг 9 ойига нисбатан бу йил битимлар билан боғлиқ низолар 657 тага кўпайган. Шу билан биргаликда, меҳнат вазифасини бажаришда ҳодимлар томонидан етказилган зарар 5 тага, алимент ундириш ҳақидаги ишлар 185 тага, никоҳдан ажратиш ҳақида-

бўлиб контрактация шартномасини адо этдилар. Хирмонга қарийб 80 тонна қимматбаҳо саноат хом ашёси етказиб берилди. Бу гектар бошидан 34 центнердан ҳосил йиғиштириб олинганни аниқлади.

Даромад ҳам шунга яраша бўлди, албатта. Дастлабки

МЕҲНАТ ҚИЛИБ ТОПГАНИМИЗ – ҚАНДУ НОВВОТ ТОТГАНИМИЗ

ҳисоб-китобларга қараганда, бу йил хўжаликнинг пахтачиликдан ялпи фойдаси 240 миллион сўмдан кам бўлмади.

Чиндан ҳам, ҳозирги замонда ким ютади – интилган ютади. Ҳаракат қилган одам даромад кўради, ўзи ҳам, оила-си ҳам ҳеч кимдан кам бўлмайди. Шундай экан, бугунги давр фермердан ислохотларга ўзини ва бутун жамоасини сарфарб этишни, кўпроқ излаш ва илмий ёндашувларни, ўз хўжалигини кўп тармоқликлик асосида ривожлантириб боришни тақозо этмоқда.

Бу борада, энг аввало, ўз кўл остида ишловчилар манфаатидан келиб чиқиб иш кўрадиган, оддий қишлоқ одамларининг қалбига йўл то-

ғи ишлар 394 тага, юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш 807 тага, шикоят тартибиде кўриладиган ишлар 1 минг 150 тага камайган. Шунингдек, вилоятнинг туманлараро судларига қарз ва бошқа ўловларни ундириш билан боғлиқ 92 минг 802 та суд буйруғи чиқариш ҳақида ариза келиб тушган бўлиб, ҳал этилган суд буйруқлари бўйича 41 млрд. сўмдан зиёд маблағ ундириш белгиланган.

Маъмурий судлар томонидан 28 минг 180 нафар шахсга нисбатан 24 минг 219 маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш

падиган, кўнглига қарайдиган, ҳамкишлоқлари турмушини юксалтириш, даромадларини кўпайтиришни ўйлайдиган фермер асло кам бўлмайди. Бунинг асосидаги масъулиятни илғорлар қатори адо этиб, кўпчиликлари ибрат бўлган Бекобод туманидаги "Қувват-Тожи-



Алишер РАҲМАТОВ

Нозимжон ИСМОИЛОВ

олган сурат.

СУҒОРИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ



Тадбир ташкилотчиси Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш бўйича жаҳондаги илғор тажрибаларни, илм-фан ютуқларини, янги технологияларни, инновацион ғояларни амалиётга жорий этиш бўйича кенг кўламли ишларни бажармоқда. Шу мақсадда республика бўйича жами

Бошланғичи 1-бетада

Ижтимоий эълон

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Тошкент вилоятида 2018 йилнинг 10 майдан бошлаб давлат активлари ва кўчмас мулк объектларини сотиш фақат "E-IRO AUCTION" электрон савдо майдончасида онлайн-аукцион шаклида ташкил этиладиган электрон савдолар орқали амалга ошириломоқда. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бош-

қармаси 1 (бир) сўмга тенг қийматдаги бошланғич нархда инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар бажариш шарти билан сотиладиган давлат активлари бўйича электрон онлайн очик аукцион (www.e-auction.uz) савдоларига таклиф этилади.

Электрон онлайн очик аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари "ноль" қийматида қўйилади.

№	№	Давлат объекти номи	Объект манзили	Балансда савдоларчи	Тўққиз эълондан шартлар			
					Объект таъин этила-диган мажбурий фойдалан тур (мажбул бўлса)	Объектга инвестициянинг энг кам миқ-дори (млн. сўм)	Иштирокчи-нинг бажариш муддати	Объектга преталданган янги мол ун-қимлари соми
Бўёқ тумани								
1	1	"Чойхона биноси"	Бўёқ тумани Ҳамза кўчаси	"Бўёқ бош пивалхонаси" МЧЖ	—	30,00	12 ой	4
Бўстонлик тумани								
2	1	"Нон заводи-нинг биноси"	Бўстонлик тумани Ғазалент шаҳри	"Бўстонлик таъминот савдо" ДУК	—	2 500,00	11 ой	22
3	2	Нурчи бошлар оғломлаштириш оромгоҳи биноси	Бўстонлик тумани Чимбойлик ҚФЙ	Бўстонлик тумани ҳокимлиги	—	14 000,00	20 ой	70
4	3	Ошхона ва қозонхона биноси	Бўстонлик тумани Парос ҚФЙ	МЧЖ "Тошкент Агросервис МТН"	—	450,00	11 ой	25
5	4	Маншай хизмат кўрсатиш биноси	Бўстонлик тумани, Ғазалент шаҳри, Мармарлик кўчаси, 1-уй	Бўстонлик тумани ҳокимлиги	—	600,00	11 ой	30
6	5	"Малика" дам олиш маскани	Бўстонлик тумани, Хумсон ҚФЙ	Бўстонлик тумани ҳокимлиги	—	14 000,00	20 ой	70
Қибрай тумани								
7	1	Бўш турган собик АТС бино ва иншоотлари	Қибрай тумани, Янгибод ҚФЙ, Уруччилик маркази кўчаси	Қибрай тумани ҳокимлиги	Маншай хизмат	600,00	6 ой	20
8	2	Куркахона биноси	Қибрай тумани, Зафаробод ҚФЙ ҳудудига жойлашган	Чорвачилик, паррандачилик ва баллиқчилик илмий-тадқиқот институти	Ишлаб чиқариш	500,00	8 ой	20
9	3	3 қаватли лаборатория биноси	Қибрай тумани, Зафаробод ҚФЙ ҳудудига жойлашган	Чорвачилик, паррандачилик ва баллиқчилик илмий-тадқиқот институти	—	2 000,00	12 ой	100
10	4	2 қаватли маъмурий бино боғириш бино	Қибрай тумани, Зафаробод ҚФЙ ҳудудига жойлашган	Чорвачилик, паррандачилик ва баллиқчилик илмий-тадқиқот институти	Ишлаб чиқариш	700,00	12 ой	30
11	5	Собик боқхона пошти биноси	Қибрай тумани, "Шалло" МФЙ	Қибрай тумани ҳокимлиги	Инфратузилма	200,00	6 ой	6
12	6	Собик қарбий кўчанинг бино ва иншоотлари	Қибрай тумани, "Меҳнат" МФЙ	Қибрай тумани ҳокимлиги	—	3 000,00	12 ой	120
13	7	Қозонхона биноси	Қибрай тумани, Салар ШФЙ, Бобур кўчаси, 4-уй	Қибрай тумани ҳоким-лиги «Қибрай қозонхона» ДУК	Пойабал ишлаб чиқариш	3 000,00	24 ой	30
Олмалик шаҳри								
14	1	Ошхона ва кир ювиш биноси	Олмалик шаҳри, Китва кўчаси, 9-уй	АЖ "Аммофос-Максам"	—	600,00	18 ой	20
Чиноз тумани								
15	1	Дўхон биноси (31-сонли дўхон)	Чиноз тумани, Эски Тошкент ҚФЙ, А.Темур йўли	Чиноз тумани ҳокимлиги	Савдо дўхони	300,00	6 ой	2
16	2	Нотузароқ биноси	Чиноз тумани, "Янги Чиноз" МФЙ	Чиноз тумани ҳокимлиги	Савдо дўхони	300,00	6 ой	2
17	3	Исоқлик манбаи қозонхона биноси	Чиноз тумани, Янги Чиноз ШФЙ	Чиноз тумани ҳокимлиги	—	650,00	8 ой	10
18	4	Исоқлик манбаи қозонхона биноси	Чиноз тумани, Олмазор ШФЙ	Чиноз тумани ҳокимлиги	Ишлаб чиқариш, евро-двор, темир дар-воза, панжаралар ишлаб чиқариш	500,00	8 ой	10
19	5	Собик қозонхона биноси	Чиноз тумани, "Гулоробод" МФЙ	Чиноз тумани ҳокимлиги	—	800,00	8 ой	10
20	6	Собик қозонхона биноси	Чиноз тумани, Янги Чиноз ШФЙ	Чиноз тумани ҳокимлиги	—	700,00	8 ой	10
Янгиёул тумани								
21	1	2 та эски устхона биноси, ёрдамчи бино ва боғириш бино	Янгиёул тумани, Гулбод шаҳарчаси, "Азиз" маҳалласи, Самарқанд кўчасида жойлашган	Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти	МТМ	1 000,00	14 ой	20
22	2	"Агротехника биноси"	Янгиёул тумани, Гулбод шаҳарчаси, "Азиз" маҳалласи ҳудудига жойлашган	Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти	Маншай хизмат кўрсатиш	150,00	11 ой	8
23	3	Чойхона биноси	Янгиёул тумани Қўшот ҚФЙ "Янги ҳаёт" МФЙ	Ўзбекистон 3 йиллиги номи "Янгиёул пахта тозалаш корхонаси" МЧЖ	Савдо дўхони	50,00	8 ой	3

Абдулқалим МАҲМУДОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири

Бошланғичи 1-бетада

СИЗНИ ҚАДРЛАЙМИЗ, АЗИЗ ТЕРИМЧИЛАР



Қалбида Ватанга мухаббат, юрт келахагига дахлдорлик ҳисси жўш урган ҳар бир инсон бугун ўз ўрнини пахтазорда деб билади, хирмонга бир ҳовуч бўлсада, ҳисса қўшсам, дейди.

Дехқоннинг йил бўйи қилган ҳалол меҳнатлари эвазига етиштирилган пахта ҳосилини кузнинг ғанимат кунларидан унумли фойдаланиб, охириги чаноғига ҳа- йиб-териб олишни ўз олдиға мақсад қилган вилоятдошларимиз уй- ган хирмон кун сайин кўкка бўй чўзмоқда.

Шартнома режасини аллақачон ортиғи билан бажариб, зафар қўнган- лар қаторида олдинма- кетин бошқа фермер хўжаликлари номи ҳам қайд этилмоқдаки, улар- ни алқамай бўлмайди.

Ўзбекистон Маданият вазирилиги ҳамда Ёзув- чилар уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида "Сизни қадрлаймиз, азиз теримчилар" шио-

ри остида ташкил этил- ган тадбир Юқори Чир- чиқ тумани, Янгибозор кўргонидаги Ислои Мир- заев номли фермер хўжалиги дала шийони- да бўлиб ўтди.

Азамат пахтакорлар ва илғор теримчилар шара- фиға ташкил этилган тадбир чинакамига шо- диёнага айланиб кетди. Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, шоир Бо- тир Ёргашев Ватани, меҳнатни шарафловчи шеърларидан ўқидилар. Таниқли санъаткорлар Ойбек Ҳамроқулов, Гули Асалхўжаева, қизикчи Валижон Шамсиев ва театр артистларининг чиқишлари пахтакорлар- га олам-олам завқ бе- риб, хуш кайфият улаш- ди.

Тадбир ниҳоясида ил- гор теримчиларга та- шаққурнома, китоблар ва эсдалик совғалари топ- ширилди.

Ўз мухбиримиз Р. МИРЗАКУЛОВ олган суратлар



Танловда ички ва ташқи бозорда ўз товарлари брендига эга бўлган, фармацевтика, тўқимачилик, текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқараётган тадбиркорлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириб, уларни қайта ишлашни ҳам йўлга

ди. Паркент туманининг "Заркент саховати" фермер хўжалиги кўрғазмасидан ўрин олган сара қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миришкор деҳқон заҳматидан сўзлайди. Бу ерда қурилаётган 100 ўринли меҳмонхона, тўйхона, масжид би-

ишлаб чиқарилаётган автомашиналар эҳтиёт қисмлари, Янгийўл шаҳрининг "Рустамбек нияти" хусусий корхонасида тақдим этилаётган замонавий хизмат турлари кўрғазмага келган меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

қори", Тошкент туманилик ёғоч устаси Абдуғани Шокоридов "Йилнинг энг яхши хўнарамани" йўналишлари бўйича голиб деб топилди. Улар кўрик-танловнинг республика босқичида вилотимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишларига ишонч билдирилди.

– Аслида, бугунги иштирокчиларимизнинг ҳар бири голибликка лойиқ, – деди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари Исмоил Жасимов. – Танловдан мақсад ҳам ҳар бир тадбиркорнинг жамиятда ўз ўрни, бизнесига эга бўлиши, иқтисодий ва вилотимиз ривожига муносиб ҳисса қўишига кўмаклашишдир.

Яқинда танлов голибларига диплом, фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Тадбирда вилот ҳокимининг биринчи ўринбосари Одилов Рустамов иштирок этди.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири



ОРОМИНГИ ОҒОҲЛАРИНГ ҚҮРИҚЛАЙДИ

– Бундай байрамларда жуда ҳаяжонланаман, – дейди ИИБ ташкилий инспекторлик ва ахборот-таҳлил бошқармаси бош инспектори Маъмура Абдуллаева. – Ушбу фахрий ёрлик барча касбдошларим, жамоадошларим меҳнатига берилган юк-

сак баҳо деб биламан. Бундай байрамлар куй-қўшиқ, шўхчан рақсларсиз ўтмайди, албатта. Хусусан, тадбирда қатнашган эл ардоғидаги санъаткорлар ва ёш хонандаларнинг чиқишлари иштирокчиларга хуш кайфият улашди.

С. ЭШМАТОВА
Равшан МИРЗАҚУЛОВ
олган суратлар

◀▶ Бошланиш 1-бетда

ЭЪТИБОР, ИМКОНИЯТ, ИСТИҚБОЛ

қўйган, ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирётган қишлоқ мулкдорлари – фермерлар ва халқ амалий санъатининг энг юксак намуналари асосида экспортга мўлжалланган қўл меҳнати намуналари яратётган хўнарамандлар иштирок этишди.

Ҳақиқатан ҳам, тадбиркор, фермер, хўнарамандлар яратган маҳсулотлар кўрғазмаси ўзига хос жозибаси, ранг-баранглиги билан диққатимизни торт-

◀▶ Бошланиш 1-бетда

носи, тикувчилик, макарон, мева-валарни қуритиш цехлари, беш минг тонна сифимга эга музлаткич ўз ишига чинакам тадбиркорона ёндашувнинг яққол ифодасидир.

Тошкент туманилик ёғоч ўймакорлиги бўйича уста Абдуғани Шокоридов яратган ҳақиқий санъат асари даражасидаги буюмлар, зангиталик тадбиркор Улуғбек Мирзаев раҳбарлигидаги "Technologies of Real Time" Ўзбекистон – Корея қўша корхонасида замонавий технология асосида

Шундай қилиб, танловда энг юқори кўрсаткичларга эришган қатнашчилар: зангиталик Улуғбек Мирзаев "Саноат соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори", парктентлик "Заркент саховати" фермер хўжалиги раҳбари Норхон Деҳқонов "Йилнинг энг яхши фермери", Янгийўлдан "Рустамбек нияти" хусусий корхонаси раҳбари Жамила Абдурахмонова "Хизмат кўрсатиш соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори", чирчиқлик Жанона Абдуқуллова "Йилнинг энг яхши ёш тадбир-

Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ ЎЗИМИЗДА

Яқинда Аргентина пойтахти Буэнос-Айрес шаҳрида III ёзги ўсмирлар Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтди.

Мазкур "кичик Олимпиада" ўйинлари ўзбекистонлик ёш атлетлар учун ҳар қачонгиданда омадли келди. Ўйинлар

да спортчиларимиз 13-ўринни эгаллашди.

Қайд этиш лозимки, мазкур ўйинларда Ўзбекистон ўз рекордини янгилади. Тўрт йил олдин Нанкинда бўлиб ўтган ўсмирлар Олимпиада ўйинларида спортчиларимиз 10 та медални қўлга киритишган эди. Бу сафарги мусобақада эса ҳамюртларимиз ушбу ўйинлардаги энг яхши натижани қайд этиб, 16 та медалга сазовор бўлишди.

Шуни фахр билан таъкидлаш керакки, ушбу медаллар шодасига вилотимиз спортчилари 3 та олтин, 1 та кумуш ва 1 та бронза медалла-



ри билан муносиб ҳисса қўшади.

Жумладан, Жайхунбек Назаров дзюдо, Абдумалик Халатов бокс, Гулбаҳор Файзиёва байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича олтин медалларни қўлга киритишган бўлса, Муҳаммадқодир Тоштемиров спортнинг оғир атлетика туридан кумуш, яна бир боксчимиз Жаҳонгир Раҳмонов эса бронза медалларга сазовор бўлишди. Шохсупанинг юқори поғонасига чиқа олмаган спортчиларимиз ҳам ушбу мусобақа-ларда муносиб қатнашди.



яқунига кўра, ҳамюртларимиз умумий ҳисобда 16 та медални қўлга киритишди. Уларнинг 5 таси олтин, 4 таси кумуш ва 7 таси бронза медаллардир. Медаллар сифати бўйича 206 мамлакат ичи-

МАЙДОНДА – ЮЛДУЗЛАР

Ўрта Чирчиқ тумани, "Ўртаовул" МФЙ ҳудудидаги футбол майдонида вилот жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, туман ҳокимлиги ва ҳомийлар ҳамкорлигида спорт фестивали ва футбол мусобақаси бўлиб ўтди.

Байрамона тарзда ташкил этилган спорт фестивалида таниқли футбол фахрийлари Биродар Абдураимов, Сайфиддин Эрматов, Азамат Абдураимовлар меҳмон бўлишди. Футбол мусобақасини ФИФА рефериси, жаҳон тан олган ҳакам Равшан Эрматов олиб борди.

ри ўқувчилари ҳам ўз чиқишлари билан барчага хуш кайфият улаштирди.

Жасурбек МУРАТОВ,
вилот спорт бошқармаси оммавий тадбирларни ташкиллаштириш бўйича бош мутахассиси

Шунақаси ҳам бўлади

БҮЙИНБОҒ

ДЕСАНГ ЎЛАРМИДИНГ?



Бу воқеани мен бир турк адабидан эшитганман. Унга ўша ҳодисани бошдан кечирган полвон жияни ҳикоя қилган экан. У йигит бир халқаро кураш мусобақасида ўзбек полвони билан танишиб қолибди. Улар бир меҳмонхонада ёнма-ён турар эканлар. Гаплари қовушиб, дидлари мос келиб, оз вақт ичида қадрдон бўлиб олибдилар.

Бир кун ўша йигит ўзбек дўстидан, бир кечага краватингни бериб тур, деб сўрабди. Ўзбек хайрон бўлибди. Краватим сенга нега керак, дебди. Турк унга шивирлабди:

– Бир жонон билан танишиб қолдим. Бугун кўришадиганмиз. У жуда гўзал экан...

Ўзбекининг жони халқумига келибди:

– Қани, бир туёғингни шикрлат! Чиқ, кўзимга кўринма! – дея уни ҳайдаб чиқарибди.

Турк ҳам қизикқон экан, сенга нима ёмонлик қилдим,

нега мени ҳайдайсан, деб ўзбекининг ёқасидан олибди. Бақир-чақирга қўшилди йиғилиб, икки полвонни зўра ажратиб қўйибдилар. Улар ичида озарбайжонлик полвон ҳам бор экан, жанжал нимадан чиққанини сўрабди.

– Мен ундан фақат крават сўрадим холос, – дебди турк.

– Менинг краватимда бузқлик қилмоқчи бўлди бу беномус, – дебди ўзбек.

Озар йигит бу гапни эшитиб, роса қулибди. Ўзини тўхтатолмай, қоринни чангаллаб узоқ ханда урибди. Жанжал устида қаҳ-қаҳ урган йигитга қараб ҳамма хайрон эмиш. У

нихоят ўзини аранг босиб, кўзидан оққан қулғу ёшларини артиб, ўзбекка дебди:

– Сен қардош, бекорга хафа бўлибсан. Крават турк тилида галстук дегани. Дўстинг сендан, галстугингни бериб тур, деб сўрабди.

Уша оқшом ўзбек полвони зиёфат берибди. Минг узрлар билан дўстига ҳамма галстукларини совға қилибди.

– Крават нима, десанг бўлмасмиди? – дебди турк.

– Бўйинбоғ десанг ўлармидинг? – дебди ўзбек.

Ўзбекистон халқ шоири Эркин ВОҲИДОВНИНГ "Сўз латофати" китобидан

Она табиат билан ёндош, жондош бўлиб яшаётган инсоният ҳаммаша тараққиёт, ривожланишдан манфаатдор. Аммо, барқарор ривожланишга тўсқинлик қиладиган шундай омиллар борки, унинг олдида баъзан инсон ожизлик қилиши мумкин. Тўғри пайқадингиз, гап табиий офатлар, фавқулодда ҳодисалар ҳақида кетмоқда.

Эҳтиёт – шарт



Дунёнинг кўпгина давлатларида рўй бераётган табиий офатлар туфайли қанчадан-қанча одамлар азият чеқмоқда. Алҳол, бундай қутилмаган офатлардан ҳеч ким қафолатланган эмас. Лекин, унинг олдини олиш, хавфсизлик чораларини кўриш аҳоли муҳофазасини таъминлаши мумкин.

Ангрен транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-хўнарам колледжиди "Фавқулодда вазиятлардан самарали ҳимоялашни аҳоли хавфсизлиги ва жамият барқарор ривожланишининг асосидир" лойиҳасининг давлат ижтимоий буюртмаси ижроси доирасида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти вилот

бўлинмалари ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида амалий семинар ўтказилди. Унда Ангрен ва Олмалик шаҳри, Охангарон тумани ҚЯОЖ ижрочи директорлари ва маҳаллалар фаоллари иштирок этдилар. Семинарда сўзга чиққан Ўзбекистон ҚЯОЖ ижрочи директори Э. Амиралиева юқорида таъкидланган давлат ижтимоий буюртмасининг мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича фикр юритиб, лойиҳа бўйича иш олиб борилаётган маҳалла фуқаролар йиғинларига қарашли 9 та маҳаллага фавқулодда ҳолатларда зарур бўладиган захираларни топширди.

Семинар давомида Қизил Ярим ой жамияти Ангрен шаҳар бўлими фаолияти ҳақидаги видеоролик намойиш этилди.

З. ХИЛВАТУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон ҚЯОЖ вилот ташкилоти раиси

Тадбир

Тошкент давлат техника университети Олмалик филиалида "Тил – миллат кўзгуси" деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Унда университет профессор-ўқитувчилари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этишди.

ТИЛ – МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

– Тилимиз онамиздек мўътабар, – дейди ТДТУ Олмалик филиали директори Алишер Самадов. – Ифтихор билан айта оламизки, ўзбек тили ер юзидида энг қўна ва бой тиллардандир. Уни эъзозлаш, ҳурмат қилиш ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Тадбир меҳмони – Ўзбекис-

тон халқ артисти Теша Мўминов йиғилганларни тил байрами билан табриклаб, уларга ўқиш ва ишларида муваффақиятлар тилади. Шунингдек, ижро этган образларидан монологулар ўқиб, барчага хуш кайфият улашди.

Дилноза ҚУРБОНОВА,
ТДТУ Олмалик филиали матбуот котиби

Сураткаш хайрати

Янгийўллик фермер Алиназар Имомназаровнинг полизида ошқовоқларнинг ҳар бири 50 килограммгача тош босаётган экан.

Бу кетишда яқин орада янгийўлликларнинг кетмони ҳам учиб қолса, ажабмас.

"– Абдуллажон, шакарсан, шакар!.."

Рашид ГАЛИЕВ сурат-лавҳаси



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилоти ҳокимлиги	Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ Хафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. 11 279 нусхада чоп этилди	Телефонлар: Қабулхона: 71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс) Бош муҳаррир ўринбосари: 71 233-70-10 Масъул котиб: 71 233-55-38 Бўлим муҳаррирлари: 71 233-38-23, 71 233-48-08 Шартнома ва эълонлар: 71 233-65-59 Ҳисоб-китоб бўлими: 71 233-54-10	Тошкент вилоти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Навбатчи муҳаррир Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА Назоратчи мусаввиф Аллома АЗИЗОВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ
--	--	---	--